



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 29 » iyul

№ 411

Toshkent sh.

Миллий сертификат бериш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланғич таълим соҳасида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг билим даражаси, педагогик маҳорати ва касбий компетенцияларини холис ва шаффоф баҳолаш тизimini жорий этиш, шунингдек, юқори кўрсаткичга эришган бошланғич таълим ўқитувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш, талабгорларга миллий сертификат бериладиган умумтаълим фанлари рўйхатини кенгайтириш, чет тилларини билиш даражасига мувофиқ миллий сертификатга эга бўлиш имкониятларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг **2026/2027 ўқув йилидан** бошлаб:

бошланғич таълим ўқитувчиларининг билим даражаси ва педагогик маҳоратини аниқлаш ҳамда уларга сертификат бериш;

хукуқшунослик фанини билиш даражасини аниқлаш ва миллий сертификат бериш;

хитой, корейс, япон, испан, итальян, форс, дари, пушту, урду, ҳиндий ва уйғур тилларидан чет тилини билишнинг кўп даражали (Multi-level) тест тизimini жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш бўйича малака имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

бошланғич таълим ўқитувчиларининг билим даражаси ва педагогик маҳоратини аниқлаш бўйича **малака имтиҳонларини ташкил этиш;**

бошланғич таълим ўқитувчилари учун миллий сертификат бериш бўйича имтиҳон топшириқларини **шакллантириш ва натижаларини баҳолаш;**

бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш ва унинг **реестрини юритиш;**

талабгорларнинг малака имтиҳони натижалари бўйича **апелляция шикоятларини** кўриб чиқиш;

давлат хизматларини кўрсатиш учун тўловни амалга ошириш ва қайтариш.

3. Бошланғич таълим ўқитувчисининг билим даражаси ва педагогик маҳорати тўғрисидаги миллий сертификатнинг давлат намунаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик):

бошланғич таълим ўқитувчиларининг бошланғич синфлардаги тегишли фанлар мазмуни доирасидаги билим даражаси, ўқитиш методикаси ва педагогик маҳоратини аниқлаш бўйича малака имтиҳони жараёнларини Агентликнинг “онлайн тест” ахборот тизими орқали ташкил этсин;

хитой, корейс, япон, испан, итальян, форс, дари, пушту, урду, ҳиндий ва уйғур тилларидан чет тилини билишнинг кўп даражали (Multi-level) тест тизимини ҳамда ҳуқуқшунослик фани бўйича талабгорларнинг билим даражасини баҳолашни йўлга қўйсин;

сертификат натижаларини “Агентлик томонидан тақдим қилинадиган сертификатларнинг маълумотлар базаси” ахборот тизимига киритиш ва уларни сертификат рақами орқали онлайн текшириш имкониятини яратсин;

миллий сертификат берилиши йўлга қўйилаётган бошланғич таълим йўналиши, ҳуқуқшунослик фани, хитой, корейс, япон, испан, итальян, форс, дари, пушту, урду, ҳиндий ва уйғур тилларидан тест топшириқларининг белгиланган тартибда шакллантирилишини ҳамда янгилаб борилишини таъминласин.

Бунда ҳуқуқшунослик фанини билиш даражасини аниқлаш имтиҳони учун тест топшириқлари умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида шакллантирилиши инобатга олинсин.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Агентлик билан биргаликда **икки ой муддатда** умумий ўрта таълим ташкилотлари бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш тизимини жорий этиш билан боғлиқ семинарлар ва тарғибот тадбирларини ташкил этсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

малака имтиҳони натижаларига кўра сертификат талабини бажарган бошланғич таълим ўқитувчиларига уч йил муддатга амал қиладиган А+, А, В+, В, С+, С даражали электрон сертификат берилади;

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб В+ ва ундан юқори даражадаги миллий сертификатга эга бўлган, бошланғич синфларда дарс берувчи бошланғич таълим мутахассислигига эга ўқитувчиларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, сертификатнинг амал қилиш муддати давомида, тегишли таълим тилига мос равишда барча фанлар бўйича лавозим маошига ҳар ойда **15 фоиз миқдорида** қўшимча устама тўлаб борилади;

ушбу қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2027 йилдан бошлаб эса бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ тақдим этилган бюджет сўровномаларига асосан Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш бўйича
малака имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим ташкилотларида фаолият олиб боровчи бошланғич таълим ўқитувчилари учун миллий сертификат бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш ҳамда миллий сертификат бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги;

малака имтиҳони – бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш мақсадида уларнинг бошланғич синфлардаги тегишли фанлар мазмуни доирасидаги билим даражаси, ўқитиш методикаси ва педагогик маҳоратини тест синовлари орқали аниқлашга қаратилган баҳолаш жараёни;

миллий сертификат – малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорга уч йил муддатга бериладиган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган бошланғич таълим ўқитувчисининг билим даражасини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат;

Раш модели (Rasch model) – тест топшириқларининг қийинлиги ва талабгорларнинг билим даражасини бир хил шкалада баҳолайдиган замонавий баҳолаш модели;

талабгор – миллий сертификат олиш учун малака имтиҳонини топшириш истагини билдирган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган умумий ўрта таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган бошланғич таълим ўқитувчиси.

3. Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш бўйича малака имтиҳони ваколатли орган томонидан тўлов асосида ўтказилади.

4. Малака имтиҳонида иштирок этиши учун талабгордан рўйхатдан ўтишда, ариза берилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур давлат хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг 50 фоизи, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзоларига эса 75 фоизи миқдорида чегирма қўлланади. Бунда чегирма:

Ижтимоий реестрнинг “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан чиқарилгани муносабати билан киритилган оилаларга уларнинг илгари белгиланган тоифасига мувофиқ;

оғир ҳаётий вазиятга тушган оила сифатида “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига киритилган оилаларга “камбағал оила” тоифасидаги оила учун белгиланган миқдорда, улар Ижтимоий реестрда турган даврда, бироқ ушбу реестрга киритилган санадан бошлаб 12 ойдан кўп бўлмаган муддатда қўлланади.

5. Бошланғич таълим ўқитувчиларига малака имтиҳони натижасига кўра А+, А, В+, В, С+, С даражали электрон сертификатлар берилади.

Малака имтиҳони натижалари халқаро методика – Раш модели асосида ҳисобланади. Унга кўра:

70 баллдан юқори балл олган талабгорга А+ даражали;

65 – 69,9 балл олган талабгорга А даражали;

60 – 64,9 балл олган талабгорга В+ даражали;

55 – 59,9 балл олган талабгорга В даражали;

50 – 54,9 балл олган талабгорга С+ даражали;

46 – 49,9 балл олган талабгорга С даражали сертификат берилади.

6. Талабгорнинг бошланғич синфлардаги тегишли фанлар мазмуни доирасидаги билим даражаси, ўқитиш методикаси ва педагогик маҳорати Бошланғич таълимнинг давлат таълим стандарти ҳамда халқаро баҳолаш мезонлари ва илғор тажрибаларга мувофиқ шакллантириладиган педагогик ўлчов воситалари асосида тест синовлари орқали баҳоланади.

Малака имтиҳони учун тузиладиган тест саволлари Бошланғич таълимнинг давлат таълим стандартига ҳамда бошланғич таълим йўналиши таълим дастурига мувофиқ Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ҳузуридаги “Илмий-ўқув амалий марказ” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Илмий марказ) томонидан шакллантирилади. Бунда:

имтиҳон топшириқларини шакллантириш, экспертизадан ўтказиш ва бошқа тилларга таржима қилишда Илмий марказ томонидан шартнома асосида мутахассис-экспертлар жалб этилади;

имтиҳон топшириқлари талабгорнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратини баҳолаш учун шакллантирилган, турли шакл ва қийинлик даражасидаги параллел топшириқлар тизимини назарда тутди;

малака имтиҳони ўтказиладиган фанлар таркиби ва мазмуни ваколатли орган томонидан белгиланади.

7. Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш бўйича давлат хизмати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

2-боб. Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

8. Малака имтиҳони топшириқлари формати (фанлар таркиби ва мазмуни, саволлар сони, топшириқлар тури, вақт меъёри), баҳолаш мезонлари, ўтказиш муддатлари ваколатли орган томонидан тасдиқланади ва унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Малака имтиҳонини ўтказиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали эълон қилинади.

9. Талабгор сертификат олиш мақсадида малака имтиҳонида қатнашиш учун ЯИДХП орқали электрон шаклда ариза бериб, рўйхатдан ўтади.

10. Талабгор мустақил равишда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани ЯИДХП орқали электрон равишда тўлдиради. Талабгордан сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Талабгорга сўровнома расмийлаштирилганидан сўнг ваколатли орган томонидан ЯИДХП орқали малака имтиҳонида иштирок этиш қоидалари тўғрисида эслатма берилади.

Талабгорнинг сўровномасида унинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Сўровномада талабгор электрон манзининг кўрсатилгани унинг сўровнома бўйича қабул қилинган қарор, малака имтиҳони натижалари юзасидан апелляция хулосаси ҳақида ахборот тизими орқали хабарнома олишга розилигини англатади.

Талабгордан сўровномадаги ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди.

Талабгор ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилиги учун талабгорнинг ўзи шахсан жавобгар ҳисобланади.

Талабгор малака имтиҳони ўтказиладиган сана ва жой тўғрисидаги маълумот (рухсатнома)ни малака имтиҳон ўтказиладиган кундан уч кун олдин ЯИДХП орқали олади.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вақтинча рўйхатга олинади ҳамда уларга ЖШШИР рақами шакллантирилади.

11. Малака имтиҳонини ўтказиш жойи, муайян ҳудуд бўйича ўтириш ўринлари сони ва санаси ваколатли орган томонидан белгиланади.

12. Малака имтиҳони махсус жиҳозланган, видеокузатув билан таъминланган ҳолда ваколатли орган вакилининг назоратида электрон шаклда ўтказилади.

Малака имтиҳони вақтида ҳар бир ўтириш ўрнида бир нафар талабгор ўтиради. Малака имтиҳонини ўтказиш жараёни доимий видеотасвирга олинади. Видеотасвирлар ваколатли орган томонидан бир йил давомида сақланади.

13. Малака имтиҳонини ўтказиш учун шартнома асосида назоратчилар жалб этилиши мумкин.

14. Талабгор шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида видеоқайд этиш қурилмалари орқали шахси аниқлангандан сўнг малака имтиҳонига қўйилади.

15. Малака имтиҳони ўтказилаётган бинога ҳар қандай қўлланма, адабиёт, телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кириш, шунингдек, имтиҳон жараёнида бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш ёки уларга бирор буюм узатиш қатъиян ман этилади.

Ушбу талабларга риоя қилмаган талабгор малака имтиҳонидан четлаштирилади. Четлаштириш ваколатли орган вакили ёки назоратчилар томонидан ахборот тизими орқали амалга оширилади ва натижаларнинг ҳисобланмаслигига асос бўлади.

16. Малака имтиҳони натижалари улар якунланган кундан бошлаб йигирма бир иш кунидан кечикмай ЯИДХП орқали эълон қилинади.

17. Малака имтиҳони натижалари бўйича тестология меъёрларининг бузилиш ҳолати аниқланса, ваколатли орган томонидан малака имтиҳони натижалари бекор қилинади.

Қуйидаги ҳолатларда тестология меъёрлари бузилган деб ҳисобланади:
имтиҳон материаллари хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш қоидалари бузилса;

талабгорлар томонидан имтиҳон материалларини олдиндан қўлга киритиш ҳолати аниқланса;

малака имтиҳони натижалари таҳлилига кўра тақсимот меъёрдаги тақсимотдан кескин фарқ қилса.

Бунда ушбу банднинг бешинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолат фақат айрим ҳудудларда аниқланган тақдирда, ушбу ҳудудлардаги малака имтиҳони натижалари бекор қилинади.

Малака имтиҳони натижалари ушбу бандга мувофиқ бекор қилинган ҳолларда, талабгорларнинг хоҳишига кўра амалга оширилган тўлов миқдори қайтарилади ёки қайта малака имтиҳони ташкил этилади.

3-боб. Бошланғич таълим ўқитувчиларининг билим даражаси ва педагогик маҳоратини аниқлаш бўйича миллий сертификатни бериш тартиби

18. Ваколатли орган малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорларга бир иш куни ичида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган сертификатнинг электрон шаклини шакллантиради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ҳамда талабгорга ЯИДХП орқали юборади.

19. Сертификатлар реестри ваколатли орган томонидан юритилади. Сертификатлар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- фуқаролик паспорти (ID-карта) маълумотлари (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами);
- сертификатнинг ҳисобга олиш серияси ва рақами;
- сертификатнинг берилган санаси;
- малака имтиҳонида тўплаган умумий балли ва даражаси;
- сертификатнинг амал қилиш муддати.

20. Сертификатнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органнинг расмий веб-сайти ва ЯИДХП орқали текшириш имконияти яратилади.

4-боб. Тўлов шартлари

21. Давлат хизмати кўрсатилиши учун рўйхатдан ЯИДХП орқали ўтилгани сабабли талабгордан белгиланган тўлов миқдорининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун тўлов амалга оширилгани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Тўлов суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

11,75 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи тўлов амалга оширилгани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар тенг улушларда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ҳамда Илмий марказга ўтказилади.

Талабгор тўловни ЯИДХП орқали шакллантирилган инвойс рақами орқали амалга оширади.

Бунда ушбу малака имтиҳонидан тушадиган маблағлардан Давлат бюджети ёки бошқа жамғармаларга маблағ ушлаб қолишга йўл қўйилмайди.

Тушадиган маблағлар имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ходимлар, мутахассислар ва экспертларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

22. Талабгор узрли сабабларга кўра (хизмат сафари ёки малака оширишда бўлгани, касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) малака имтиҳонида иштирок эта олмайдиган бўлса ёки иштирок этмаса, малака имтиҳони ўтказилган санадан уч кундан кечикмай ЯИДХП орқали ваколатли органга уни навбатдаги имтиҳонга киритиш ёки тўловни қайтириш бўйича мурожаат этиши лозим.

Бунда талабгор навбатдаги малака имтиҳонига киритишни сўраганда, ваколатли орган томонидан унга навбатдаги малака имтиҳонида қатнашиш имконияти яратилади. Тўловни қайтариш сўралган тақдирда, талабгор томонидан амалга оширган тўловни қайтариш қуйидагича амалга оширилади:

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ва Илмий марказ ҳисобварақларига ҳамда “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг махсус ҳисобварағига келиб тушган тўлов миқдори ваколатли орган ҳулосаси асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан тўлиқ қайтарилади.

Талабгор узрли сабабга кўра тест синовларида иштирок эта олмагани бўйича ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани ЯИДХП орқали электрон тарзда тўлдиради.

23. Талабгор малака имтиҳонига кечиккан ёки узрли сабабсиз келмаган, шунингдек, малака имтиҳонидан четлаштирилган ҳолларда, талабгор томонидан амалга оширилган тўлов қайтарилмайди.

24. Узрли сабабга кўра тест синовларида иштирок эта олмагани бўйича ариза бериш жараёнида малака имтиҳони учун тўлов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда, ариза тўлов тўлиқ амалга оширилгандан сўнг белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

25. Узрли сабабга кўра тест синовларида иштирок эта олмагани бўйича аризалар етти иш кунида кўриб чиқилади.

5-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби

26. Талабгор малака имтиҳони натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч кун ичида ЯИДХП орқали ваколатли органга апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Талабгор апелляция шикояти бериш учун ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани ЯИДХП орқали электрон тарзда тўлдиради.

27. Апелляцияни кўриб чиқиш учун ваколатли орган директорининг буйруғи билан 5 ёки 7 нафар ваколатли орган ва Илмий марказ ходимлари ҳамда мутахассис-экспертлардан иборат таркибда Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция икки ҳафта ичида кўриб чиқилади. Талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида ЯИДХП орқали электрон шаклда хабардор қилинади.

28. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикояти қаноатлантирилишини рад этиш;

малака имтиҳони натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш.

Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикояти қаноатлантирилишини рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;
апелляцияда кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топмаса.

Малака имтиҳони натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қаноатлантириш тўғрисидаги қарор шикоятда кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топса, қабул қилинади.

29. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

Талабгор Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

30. Ваколатли орган ходимлари томонидан талабгор тўғрисидаги шахсий маълумотларнинг махфийлиги таъминланади. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда, талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

Малака имтиҳони топшириқлари формати, баҳолаш мезонлари ва ўтказиш муддатларига хорижий тажриба ҳамда илмий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

31. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

32. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий
сертификат бериш бўйича малака имтиҳонларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий сертификат бериш бўйича
давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Талабгор	1. Тест синовида иштирок этиш учун ЯИДХПда сўровномани тўлдириш орқали ваколатли органга мурожаат қилади. 2. Тўловни амалга оширади.	Ўз хоҳишига кўра Имтиҳондан камида 12 кун олдин
2-босқич	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (Ваколатли орган)	1. Талабгорларнинг малака имтиҳони учун рўйхатга олинишини якунлайди. 2. Сўровнома расмийлаштирилгандан сўнг ЯИДХП орқали талабгорга малака имтиҳонида иштирок этиш қоидалари тўғрисида эслатма берилади. 3. Талабгорларга малака имтиҳонини ўтказиш жойи ва вақти тўғрисидаги ахборотни ЯИДХП орқали тақдим этади.	Имтиҳон санасидан 12 кун олдин Шу вақтнинг ўзида Имтиҳон санасидан 3 кун олдин
3-босқич	Ваколатли орган	Талабгорлар учун малака имтиҳонини ташкил этади ва ўтказади.	Йил давомида
4-босқич	Ваколатли орган	Малака имтиҳони натижаларини ЯИДХП орқали эълон қилади.	Имтиҳон якунлангандан сўнг 21 иш кунидан кечикмай
5-босқич	Ваколатли орган	Малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорларга QR-код (матрик штрихли код) қўйилган сертификатнинг электрон шаклини шакллантиради ва уни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ҳамда талабгорга ЯИДХП орқали юборади.	Буйруқ чиқарилганидан бошлаб 1 иш кунida

Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий
сертификат бериш бўйича малака имтиҳонларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

**Бошланғич таълим ўқитувчилари учун миллий сертификат бериш
бўйича давлат хизматидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

1. Ф.И.О:	(автоматик аниқланади)
2. Фуқаролик паспорти (ID-картаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами):	(автоматик аниқланади)
3. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	(автоматик аниқланади)
4. Телефон рақами:	(маълумот киритилади)
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	(маълумот киритилади)
6. Иш жойи (вилоят, шаҳар/туман, таълим ташкилоти номи ва рақами):	(автоматик аниқланади)
7. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чегирмани қўллаш ҳуқуқига эгалиги (<i>Ижтимоий реестрнинг “камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, Ижтимоий реестрнинг “давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилаларнинг аъзолари</i>):	Ҳа/Йўқ
8. Имтиҳонни топшириш ҳудуди:	(маълумот киритилади)
9. Имтиҳонни топшириш тили:	(маълумот киритилади)

Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий
сертификат бериш бўйича малака имтиҳонларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

**Бошланғич таълим ўқитувчиларининг билим даражасини ва педагогик
маҳоратини аниқлаш ҳамда уларга сертификат беришда малака
имтиҳонида узрли сабабга кўра тест синовларида
иштирок эта олмагани бўйича**

СЎРОВНОМА

1. Ф.И.О:	(автоматик аниқланади)
2. Фуқаролик паспорти (ID-картаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами):	(автоматик аниқланади)
3. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	(автоматик аниқланади)
4. Телефон рақами:	(маълумот киритилади)
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	(маълумот киритилади)
6. Имтиҳон санаси (навбатдаги имтиҳонда иштирок этиш сўралганда):	(маълумот киритилади)
7. Имтиҳонни топшириш ҳудуди (навбатдаги имтиҳонда иштирок этиш сўралганда):	(маълумот киритилади)
8. Имтиҳонни топшириш тили (навбатдаги имтиҳонда иштирок этиш сўралганда):	(маълумот киритилади)
9. Узрли сабабга кўра (хизмат сафари, малака ошириш, касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) тест синовларида қатнаша олмаган талабгорнинг ушбу ҳолатни асословчи ҳужжатлари:	(маълумот киритилади)
10. Банк картаси маълумотлари (тўловни қайтариш сўралганда):	(маълумот киритилади)

Бошланғич таълим ўқитувчиларига миллий
сертификат бериш бўйича малака имтиҳонларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА

**Бошланғич таълим ўқитувчиларининг билим даражасини ва педагогик
маҳоратини аниқлаш ҳамда уларга сертификат бериш бўйича малака
имтиҳони натижалари юзасидан апелляция шикоятини бериш учун**

СЎРОВНОМА

1. Ф.И.О:	(автоматик аниқланади)
2. Фуқаролик паспорти (ID-кارتаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами):	(автоматик аниқланади)
3. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	(автоматик аниқланади)
4. Телефон рақами:	(маълумот киритилади)
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	(маълумот киритилади)
6. Имтиҳон санаси:	(автоматик аниқланади)
7. Имтиҳонни топширган ҳудуди:	(автоматик аниқланади)
8. Шикоятнинг қисқача мазмуни:	(маълумот киритилади)

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 29 ” июлдаги 411-сон қарорига
2-илова

НАМУНА

**Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining bilim darajasi va pedagogik mahorati
to'g'risidagi milliy sertifikatning
DAVLAT NAMUNASI**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI
BILIM VA MALAKALARNI
BAHOLASH AGENTLIGI



AGENCY FOR ASSESSMENT OF KNOWLEDGE
AND COMPETENCES UNDER MINISTRY OF
HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND
INNOVATION OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN

**BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QITUVCHISINING BILIM DARAJASI
VA PEDAGOGIK MAHORATI TO'G'RISIDA
SERTIFIKAT**

Sertifikat raqami:

Talabgorning pasport (ID-karta) ma'lumoti:

Familiyasi:

Ismi:

Otasining ismi:

Talabgorning
fotosurati

Umumiy to'plagan
balli:

Sertifikat darajasi:

Berilgan sanasi

Amal qilish
muddati:

Direktor

(QR-kod)

(F.I.O.)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 майдаги 395-сон қарорининг 2-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“француз тили учун – миллий сертификат ёки Diplôme d’Etudes en Langue Française (DELF), Diplôme Approfondi de Langue Française (DALF), Test de Connaissance du Français (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарорида:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳуқуқшунослик фани бўйича;”

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

7-банднинг олтинчи хатбошисидаги “етти кун” сўзлари “уч кун” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Тест синовини ўтказиш жойи, муайян ҳудуд бўйича ўтириш ўринлари сони ва санаси Агентлик томонидан белгиланади ҳамда Агентликнинг расмий веб-сайти ва ЯИДХП орқали эълон қилинади.

Бунда талабгорлар муайян ҳудуд бўйича ўтириш ўринлари сонига мувофиқ ЯИДХП орқали рўйхатга олинади;”

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Талабгор қуйидаги ҳолатларда далолатнома асосида тест синови жараёнидан четлаштирилади ва унинг натижалари ҳисобланмайди:

тест синови ўтказиладиган ҳудудга ёки бинога калькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, шпаргалкалар, қоғоз, буюм, кийимларга ёзилган маълумотларни олиб киришга ҳаракат қилса, олиб кирган бўлса ёки улардан тест синовлари давомида фойдаланса;

тест материалларига шикаст етказса, тест материалларини бошқа талабгорга узатса, тарқатса, бинодан ташқарига олиб чиқса ёки олиб чиқишга уринса;

бошқа талабгор билан мулоқот қилса, ёрдам берса ёки ёрдам беришга ҳаракат қилса;

тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнг тест материалларини топширишдан бош тортса;

тест синовлари жараёнида видеокузатувлар орқали талабгорнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмагани аниқланса”;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Агар ариза берувчи турли сабабларга кўра тест синовларида иштирок эта олмайдиган бўлса, Агентликка тест синовлари ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин ЯИДХП орқали электрон шаклда мурожаат этиши лозим.

Узрли сабабга кўра (касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) тест синовларида қатнаша олмаган талабгор тест синови ўтказилган санадан беш иш кунидан кечикмай, ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатларни ЯИДХП орқали Агентликка электрон шаклда тақдим этиши ва уни навбатдаги имтиҳонга киритиш ёки тўловни қайтариш бўйича мурожаат этиши лозим.

Узрли сабабга кўра тест синовларида иштирок эта олмагани бўйича аризалар етти иш кунда кўриб чиқилади. Тест синови учун ариза бериш жараёнида тўлов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда, тўловни қайтариш бўйича аризалар тўлов тўлиқ амалга оширилгандан сўнг, белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Тўловни қайтариш сўралган тақдирда, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ҳамда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига келиб тушган тўлов миқдори ваколатли орган ҳулосаси асосида Адлия вазирлиги томонидан тўлиқ қайтарилади. Бунда Агентлик ва Адлия вазирлиги ўртасида ҳулоса алмашинуви электрон тарзда амалга оширилади.

Навбатдаги тест синовидида қатнашиш сўралган тақдирда, ваколатли орган томонидан узрли сабабга кўра тест синовидида иштирок эта олмаган талабгорга тўловни амалга оширмасдан навбатдаги тест синовидида қатнашиш имконияти яратилади.

Талабгор тўловни қайтариш ёки навбатдаги тест синовидида қатнашиш бўйича ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани ЯИДХП орқали электрон тарзда тўлдиради”;

23-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Апелляцияни кўриб чиқиш учун Агентлик директорининг буйруғи билан 5 ёки 7 нафар Агентлик ходимлари ва таълим тизими педагоглари билан иборат бўлган Апелляция комиссияси тузилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“бакалавр даражасига эга педагог кадрларга – мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозими, 2026 йилдан бошлаб бакалаврият босқичини имтиёзли диплом билан битириб, биринчи бор таълим ташкилотига ишга кирадиган битирувчиларга – иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими);

магистр даражасига эга мутахассисларга, шунингдек, олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотли педагог кадрларга – иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими), 2026 йилдан бошлаб магистратура босқичини битириб, барча фанлардан ва аттестациядан “5” (аъло) баҳо (90-100 балл) кўрсаткичига эга бўлган ҳамда биринчи бор таълим ташкилотига ишга кирадиган битирувчиларга – биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи)”;

б) 36-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг камида С1 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга чет (инглиз, француз, немис, испан, итальян, араб, хитой, япон, корейс, турк, форс, пушту, дари, урду, ҳиндий) тили, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан бериладиган умумтаълим фанини билиш даражаси тўғрисида сертификат ёки бошланғич таълим ўқитувчисининг билим даражаси ва педагогик маҳорати тўғрисидаги миллий сертификатдан камида В+ (аввалги тизимда 80 балл ёки ундан юқори) даражадаги сертификатга эга ўқитувчиларига сертификатнинг амал қилиш даврида навбатдаги мажбурий аттестацияда мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражасини аниқлаш ҳамда ўқув фани бўйича малака синовидан максимал балл берилади ҳамда улар ушбу ўқув фани бўйича малака синовидан озод этилади. Бунда сертификатга эга педагоглар иккинчи босқич синовидан иштирок этишлари мажбурий ҳисобланади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 16 февралдаги 73-сон қарорида:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“имтиҳон ўтказиладиган кунлар олдиндан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) расмий веб-сайти ва ЯИДХП орқали эълон қилинади ҳамда талабгорга имтиҳон кунини мустақил танлаш ҳуқуқи берилади. Имтиҳонни ўтказиш жойи, санаси ва муайян ҳудуд бўйича ўтириш ўринлари сони ваколатли орган томонидан белгиланади”;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилансинки, чет тилини билиш даражасини баҳолашнинг кўп даражали (Multi-level) формати 2022 йил 1 мартдан бошлаб – инглиз тили учун, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб – немис, француз ва араб тиллари учун, 2025 йил 1 январдан бошлаб – турк тили учун, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб – хитой, корейс, япон, испан, итальян, форс, дари, пушту, урду, ҳиндий ва уйғур тиллари учун жорий этилади”;

в) 1-иловада:

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Талабгор узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарида бўлганлиги ёки оила аъзоларининг вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) малака имтиҳонида иштирок эта олмайдиган бўлса ёки иштирок этмаса, малака имтиҳони ўтказилган санадан уч кундан кечикмай ЯИДХП орқали уни навбатдаги имтиҳонга киритиш ёки тўловни қайтариш бўйича ваколатли органга мурожаат этиши лозим.

Бунда ваколатли орган томонидан узрли сабабга кўра тест синовидида иштирок эта олмаган ёки ногиронлиги тоифаси имтиҳон турига мос келмаган талабгорга тўловни амалга оширмасдан навбатдаги тест синовидида қатнашиш имконияти яратилади.

Узрли сабабга кўра тест синовларида иштирок эта олмагани бўйича аризалар етти иш кунида кўриб чиқилади. Тест синови учун ариза бериш жараёнида тўлов тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда, тўловни қайтариш бўйича аризалар тўлов тўлиқ амалга оширилгандан сўнг белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Тўловни қайтариш сўралган тақдирда, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ҳамда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига келиб тушган тўлов миқдори ваколатли орган

хулосаси асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан тўлиқ қайтарилади.

Талабгор узрли сабабга кўра тест синовларида иштирок эта олмагани бўйича ЯИДХП орқали ваколатли органга мурожаат қилади.

Талабгор белгиланган малака имтиҳонига кечиккан ёки узрсиз сабабга кўра келмаган ҳамда малака имтиҳони қоидаларини бузганлик учун аудиториядан чиқариб юборилган тақдирда, амалга оширилган тўлов талабгорга қайтарилмайди.

Талабгор кечиккан тақдирда, малака имтиҳонига қўйилмайди”;

29-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга ёки бинога киришда луғат, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, ҳар хил турдаги шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса, олиб кирган бўлса ёки улардан тест синовлари давомида фойдаланса”.

